


Сабаъ қироллиги ва тўғоннинг бузилиши



15:00 / 09.05.2020 4797

Сабаъ қироллиги қадимий дунёдаги энг йирик тўртта ҳазорадан бири бўлиб, унга милoddан аввалги 11 асрларда Жанубий Арабистонда асос солинган эди. Бу ҳазора энди барпо бўла бошлаган даврларда одамлар бу ерларда тўғонлар қуриб, суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар. Натижада халқнинг турмуши фаровон бўлиб, давлат гуркираб ривожланган, юксак тараққиёт даражасига эришилган эди. Бундай қулай иқлим шароитида яшаган Сабаъ халқи ўзларига тақдир қилинган бундай неъматларга шукр қилиб, Яратганга ибодат қилиб яшасалар кифоя эди. Аммо афсуски, Қуръони Карим оятларида хабар берилишича, бу қавм ҳам ношукурлик ва куфрга берилди, такаббурлик қилиб, Парвардигорнинг неъматларини унутдилар. Аллоҳ таоло бутун келгуси авлодларга ибрат тариқасида бу фосиқ ва золим қавмга ҳам бало юборди. Милodнинг 542 йилида Мариб тўғони тўсатдан ўпирилиб, бутун Сабаъ салтанатининг ҳосилдор ерлари сув тошқини остида қолди. Қуръони Карим оятларида бу қавмнинг бошига тушган балолар шундай баён қилинади:

Аниқки, Сабаъ (қабаласи) учун ўз масканларида (Аллоҳнинг фазлу марҳаматига далолат қиладиган) бир аломат бор эди - ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб, (Биз уларга): «Парвардигорингиз (берган) ризқу рўзидан баҳраманд бўлинглар ва У Зотга шукр

қилинглар! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) Мағфират қилгувчи Парвардигордир», (деган эдик).

Бас, улар (Бизга шукр қилишдан) юз ўгиришгач, Биз уларнинг устига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазор «боғлар»га алмаштириб қўйдик. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу (жазо билан) жазоладик. Биз фақат кофир бўлган кимсагагина (мана шундай) жазо берурмиз. (Сабаъ сураси, 15-17-оятлар).

Қуръони Каримда хабари берилган ушбу тарихий далил археологик қазилмаларнинг натижаларига тўлиқ мос келади. Насроний динига эътиқод қилувчи археолог Вернер Келлер шундай ёзади:

Бу ерларда қачонлардир улкан тўғон бўлгани, унинг тўсатдан бузилганлиги ва бутун шаҳарга, давлатга катта зарар етказганлиги шак-шубҳасиз тасдиқланмоқда. Қуръондаги боғ эгалари ҳақидаги воқеалар ҳақиқатдан ҳам реал тарихий воқеадир...

Islom.uz портали таҳририяти